

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

**“Бошқаришда ахборот технологиялари”
кафедраси**

91-12 гуруҳ толиби Рахматов Элдорнинг

**“Инглиз тили фан дастури бўйича электрон қўланмани
яратиш”**

Битирув малакавий иши

Топширди:
Қабул қилди:

Рахматов Э.
Зарипов О.М

Тошкент -2012 йил

Мундарижа:

I.Кириш.
II.Асосий қисм.
II.1 Дастурий таъминоти учун дастурлаш тилари
II.2 Инглиз тилини ўргатувчи дастурнинг тузилиши ва имкониятлари
II.3 Фойдаланувчилар маълумотлар базасини яратиш.
II.4 Масалани алгоритми ва дастурий таъминоти
III.Хулоса.

I.Кириш.

Компютер нафақат иш жойларида,балки уйда ҳам фаолиятимизнинг муҳим бўлагига айланди.Ёшларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакали кадрлар таёрлаш мақсадида кўплаб коллеж ҳамда олий ўқув юртлари фаолият юритмоқда. Иқтидорли ёшларни излаб топиш ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш учун турлитанловлар,анжуманлар, олимпиадалар ташкил этилётир. Келажак эгаларининг замонавий ахборот технологиялари ютуқларидан тўғри ва оқилона фойдаланишни таъминлаш, бундай воситаларнинг инсон онг-тафақурига,саломатлигига етказадиган салбий таъсирининг олдини олиш,илим-фан ва техника янгиликларни жамият тараққиётига йўналатириш доимий эътиборда.

Жамият таррақиётида бир ечимга келишдан, қарор қабул қилишдан олдин ушбу масалага алоқадор бўлган жуда кўплаб маълумотларни тўплаш,уларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш зарур бўлади.

Ахборотни тезкорлик билан йиғиш, қайта ишлаш ,жараёни ,воқия ва ходисаларни моделлаштириш, уларни ва бошқа инфармацион технологиялари келишини англатади.

2004-2010 йилларда таълимни ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури Олий таълимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан бир қаторда замонавий ахборот технологияларига асосланган электрон дарсликлар яратиш ва уни таълим жараёнига татбиқ этиш долзарб муаммо сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Маъруза матни чиройли безатилган, сифатли ва ихчам кўринишда берилади. Бу талабани ўқишга қизиқишини орттиради. Бундан ташқари талаба компьютерда маърузани ўзига керак қисмини ўқиши мумкин. Республикамизда янги педагогик технологиянинг жорий қилиниши, бевосита мультимедия билан боғлиқ. Мультимедия асосида унда овозли, тасвирли ҳаракатлантириш ёрдамида маъруза матнлари тайёрлаш мумкин. Бу

талабанинг билим доирасини янада оширади, чунки кўриш ёрдамида тез эсда сақлаб қолиш мумкин. Шунининг ортида, ўзбек тилида Инглиз тилини ўргатувчи дастур қўлланмалар яратиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Шу талабларни ҳисобга олган ҳолда кутубхона тармоғини ташкил қилишни такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган принципаал янги ахборот марказларини барпо этиш, шунингдек, аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори чиққан. Ушбу қарор юзасидан қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишга кўмаклашиш;

- миллий маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг кўламда тарғиб қилиш, халқнинг маданий тарихий меросидан баҳраманд бўлишини таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиб бериш;

- янги ахборот технологиялари (маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари) асосида аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш;

- маданий, таълим, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш. Ундан ташқари аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, унинг илмий, таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги қизиқишларни замонавий ахборот технологиялари асосида тезкорлик билан қондириш;

- китобхонларга анъанавий кутубхона хизмати кўрсатишда ўз ахборот ресурсларини яратиш ва жаҳон илмий-таълим ахборот ресурсларидан

фойдаланиш имкониятини бериш йўли билан ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга ўтишни таъминлаш;

- универсал ахборот ресурслари, миллий ва хорижий нашрлар (босма, аудио-аизуал, электрон ва бошқа) фондларни шакллантириш, сақлаш ва фойдаланиш учун бериш;

- йиғма электрон католог ёрдамида ахборот ресурсларини бирлаштирувчи электрон кутубхоналар ва маълумот базаларини яратиш;

- жойларда ахборотлаштириш ва кутубхоначилик иши соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ташкилий-методик жихатдан таъминлаш вазифаси белгилаб қўйилган.

Бунинг учун кутубхонада барча фанлар бўйича маъруза матнлари, таянч сўзлар, назорат саволларининг электрон версиялари бўлиши лозим. Ривожланган мамлакатлар (Европа, АҚШ ва бошқалар) олий таълим тизимида бундай ишлар олдин қилинган, яхши натижаларга эришганлар. Республикамизда бундай янги педагогик технология, виртуал кутубхона ва бошқалар республикамиз мустақил бўлганидан сўнг қўлланилмоқда.

Маъруза матни чиройли безатилган, сифатли ва ихчам кўринишда берилади. Бу талабани ўқишга қизиқишини орттиради.

Бундан ташқари талаба компьютерда маърузани ўзига керак қисмини ўқиши мумкин. Республикамизда янги педагогик технологиянинг жорий қилиниши, бевосита мультимедия билан боғлиқ. Мультимедия асосида унда овозли, тасвири харакатлантириш ёрдамида маъруза матнлари тайёрлаш мумкин.

Бу талабанинг билим доирасини янада оширади, чунки кўриш ёрдамида тез эсда сақлаб қолиш мумкин. Шунинг учун олиб, ўзбек тилида Инглиз тилини ўргатувчи дастур қўлланмалар яратиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

II.1 Дастурий таъминоти учун дастурлаш тилари

Электрон қўланмани яратиш учун ҳозирги кунда ривожланиб бораётган web технологиясининг РНР тилидан фойдаланилди.

XXI асир ахборот технологиялари асри бўлганлиги сабабли ҳар қандай фойдаланувчи ўзининг шахсий компютери орқали интернетга уланган ҳолда дастурга кириб билиimini ошириши мумкин бўлади.

Интернет-сайёрамиз микёсидаги компьютер тармоқларининг бирлашмасидир.

Агар космик станция аъзоларининг E-mail дан фойдаланишини инобатга олсак интернетнинг сайёрамиз сарҳадларидан чиққанини ҳам кўришимиз мумкин.

Бутун дунё ўргимчак тўри WWW (World Wide Web) - бу кўп сонли ўзаро бир-бирига боғланган ҳужжатлардир. Web саҳифада бошқа Web саҳифалар билан боғловчи чекли гипермуружаат бўлади. Гипермуружаат механизмини бир неча сўз билан изоҳлаш қийин, лекин камида бир марта Web саҳифага кириб ишлаган одам буни дарҳол тушунади.

Гипермуружаат бутунжаҳон ўргимчак тўридан ҳужжатнинг URL деб номланувчи манзилини қидиришда ишлатилади. Биз биламизки Web саҳифанинг асосий моҳияти ахборотни тасвирлаш ва уни ҳар бир фойдаланувчи учун очиқ беришдир. Бунда бир қанча функционал чекланишлар мавжуд, яъни биз олдиндан Web саҳифани кўрувчининг компютери қандай, мониторинг имконияти қандай ва кўриш ойнасининг қандай ўлчамда ўрнатилганлигини билмаймиз.

Биз ҳаттоки фойдаланувчининг қандай операцион муҳитда ишлаётганини ҳам билмаймиз. Web саҳифа эса INTEL машинада ҳам Макентошда ҳам бир хил кўринишда бўлиши керак. Фойдаланувчи ўз операцион муҳитида қандай ёзув шрифтлар ўрнатганлиги ёки унинг видеокартаси қанча рангни кўтара олиши ҳам маълум эмас. Юқоридаги маълумотларнинг йўқлиги ёки етарли эмаслиги

умумахборот алмашиш тилининг пайдо бўлишига тўсик бўлиши керак эди, лекин бундай бўлмади.

Фойдаланувчи учун қулай ва содда бўлгани учун PHP, JavaScript ва малумотлар базасидан фойдаланиш учун MySQL дан фойдаланилди PHP тилига 1995 йил асос солинган. Шу даврда Лердарор номли дастурчи Perl/CGI курунишидаги сценарийни тузди. Бу сценарийни у узининг саҳифасига кирувчилар сонини аниклаш мақсадида тузди. Шу дастур PHP тилининг яратилишига тўртки булди.

1997 йилдан бошлаб у PHP деб атала бошлади. PHP тилини Nuper Text Processor PHP техник нуқтаи назаридан караганда сервер томонидан туриб ишлайдиган сценарийлар тилидир. PHP тили дастурчиларга узининг қулайлиги, ишончилиги Билан манзур булган. PHP тилининг асосий устунлигидан бири уни тугридан-тугри html нинг ичига жойлаштира олишимиздир. 1997 йил PHP 3.0 чиқди, ва бутун дунё бўйича 50 000дан ортиқ инсонлар шу программани ишлатишни бошлаган эди.

1999 йилга келиб эса PHP ишлатувчилар сони 1 000 000 дан ортиб кетди. Бу PHP тарихини кичик бир қисми энди.

PHP 3

PHP 3.0 бугунги PHP га ўхшаган биринчи версия эди. Уни Анди Гутманс ва Zeev Suraski 1997 йилда тўла қайтадан ёзилган тил сифатида яратдилар, чунки улар PHP/ FI 2.0 тилини ўзларининг eCommerce -иловаларини яратиш учун етарли имкониятга эга эмас деб топдилар. Кучларни бирлаштириш учун, Анди, Расмус ва Зеев PHP 3.0 ни PHP/ FI 2.0 расмий вориси сифатида яратдилар ва еълон қилдилар. Натижада PHP/ FI 2.0 ривожланиши тўхтади.

PHP 3.0 энг кучли томонларидан бири уни кэнгайтириш имкони еди. Чекли фойдаланувчиларга хар хил маълумотлар базалари, протокол ва АПИ лар учун мустахкам инфраструктура, ҳамда кэнгайтириш имкониятини яратгани учун, ўнлаб фойдаланувчиларни Янги кэнгайган модулар яратишга ундар еди. Балким PHP 3.0 ўта машхурлиги сабаби шундадир. PHP 3.0 асосий хусуиятларидан бири объектга ёъналтирилган синтаксис еди.

Тилга PHP: гипертекст препроцессор деб ном берилди.

1998 йил охирига келиб PHP ўнг минглаб фойдаланувчилар ва юз минглаб Веб-сайтлар учун асос бўлиб қолди. Энг машхур бўлган пайтда PHP 3.0 тахминан Интернет Веб-серверларининг 10% га ўрнатилган еди. PHP 3.0 расмий равишда 1998 июнида 9 ойлик ошкора тестлашжан сўнг чиқарилган еди.

PHP 4

1998 йил қишида PHP 3.0 расмий элон қилингандан сўнг, Анди Гутманс и Зеев Сураски катта амалий дастурлар билан ишлашда унумдорлигини ошириш ва PHP кодли базаси модуллигини ошириш мақсадида PHP ядросини қайта ишлашга киришдилар. Бундай Амалий дастурлар яратиш PHP 3.0 да мумкин еди, лекин PHP 3.0 мураккаб комплексли амалий дастурларга хизмат қилиш учун яратилмаган еди.

Янги машина, 'Zend Engine' (яратувчилар номлари асосида - Зеев ва Анди), бу масалаларни муваффақиятли хал қилди ва 1999 ўртасида пайдо бўлди. Бу машинага асосланган ва кўпчилик Янги имкониятларга ега бўлган PHP 4.0, расмий равишда 2000 йил майида, PHP 3.0 дан икки йил кейин чиқарилди.

Анча ошган унумдорликдан ташқари бу версияда PHP 4.0 қуйидаги имкониятларни киритди катта сондаги Веб-серверлар, HTTP -сессияларни қўллаш, чиқаришни бфэрлаш, фойдаланувчи киритиши билан хавфсиз ишлаш усуллари ва тилнинг турли Янги конструкциялари.

PHP 4 хозирда PHPнинг охирги версиясидир. Зенд Энгинени PHP 5.0 га интеграция қилиш учун яхшилаш ва модификация қилиш устида иш бошланган.

Хозирги кунда PHP юз минглаб дастурчилар томонидан фойдаланади ва бир неча миллион сайтлар уни ўрнатилгани хақида маълумот берадилар,бу жеса Интернет доменларнинг 20% дан ортиқдир.

PHP яратувчилари командаси ўнлаб дастурчилардан хамда, PHP билан богълиқ ПЕАР ва хужжатлаш лойихалари каби лойихалар устида ишловчилардан иборат.

PHP HTML кодининг ичида ёзилиши хам мумкиндир.

Яни худди HTML командалари ва ора сира қандайдир бошқа кодлар учраши мумкин.

Маълумотлар базаси ўта тез ривожланган ҳамда MySQL ва MSsql ўзини кўрсатган соҳа, Интернет учун дастурлар яратишдир. Интернет учун мураккаб ва ишончли дастурларга эҳтиёж ошган сари маълумотлар базасига эҳтиёж ҳам ошиб бормоқда. Сервер маълумотлар базаси Интернетда кўп функцияларни қўллаши мумкин. Хар қандай веб- саҳифа маълумотлар базаси томонидан бошқарилиши мумкин.

Мисол тариқасида ўз катталогини WWW да эълон қилмоқчи бўлган ва Интернет орқали буюртмалар қабул қилмоқчи бўлган катталог бўйича сотувчини кўрайлик.

Агар катталогни HTML-файлар шаклида эълон қилинса Янги товар қўшилганда ёки нарх ўзгарганда кимдир катталогни тахрирлаши лозим бўлади

Агар бунинг ўрнига катталог маълумотларини реляцион маълумотлар базасида сақланса катталогдаги ўзгаришларни маълумотлар базасидаги товар ёки нарх ҳақидаги маълумотларни ўзгартириш ёъли Билан реал вақт масштабида эълон қилиш имконияти тугъилади.

Бундан ташқари катталогни мавжуд буюртмаларни қайта ишлаш электрон тизимлари Билан интеграция қилиш имконияти тугъилади.

Шундай қилиб бундай веб-сайтни бошқариш учун маълумотлар базасидан фойдаланиш сотувчига ҳам олувчига ҳам қулайликлар тугъдиради.

Шу тарзда веб- саҳифа маълумотлар базаси билан богъланади. Маълумотлар базаси сизни веб-серверингизда ёки сизни серверингиз маълумот алмашиши мумкин бўлган бошқа машинада жойлашган бўлиши мумкин.(яхши МББТ бундай вазифаларни тақсимлашни осон ташкил қила олади). Сиз ўзингизнинг веб-саҳифангизга форма жойлаштирасиз ва фойдаланувчи узатиш керак бўлган сўров ёки маълумотни шу формага киритади. Формани серверга узатгандан сўнг, сервер сиз ёзган дастурни ишга туширади ва бу дастур фойдаланувчи узатган маълумотларни ажратиб олади. Бу дастурлар кўпинча CGI-сценарийлар ёки Жава

да сервер дастурлари шаклида яратилади, лекин дастурни HTML-саҳифага тўғридан тўғри жойлаштириш ҳам мумкин.

Енди сизни дастурингиз фойдаланувчига қандай маълумотлар керак ва у маълумотлар базасига нима киритмоқчилигини билади. Дастур маълумотларни танлаш ёки ўзгартириш учун SQL команда яратади, маълумотлар базаси бўлса қолганини бажаради. Маълумотлар базасидан олинган натижаларни сизни дастурингиз янги HTML-саҳифа шаклига келтириб қайтадан фойдаланувчига юборади.

II.2 Инглиз тилини ўргатувчи дастурнинг тузилиши ва имкониятлари

Электрон ўқув қўлланма – бу фан соҳасини бутунлай ёки қисман қамраб олган, автоматик ўқитишга мўлжалланган ва ўз ичига ахборотларнинг мослашувчан блокини оловчи виртуал тизимдир. Электрон ўқув қўлланма ўзаро гипермуножатлар билан боғланган маълумот базаси, вазифалари ва назорат блокидан ташкил топади.

Бунда электрон ўқув қўлланманинг ҳар бир блокида ўқитиш жараёнини интерфаоллиги билан бирга шу ўқув қўлланма бўлимлири орасидаги интеллектуал-мантиқий алоқалар бўлиши керак.

Электрон қўлланма ўқув жараёни сифатини ошириш, ўқитувчи меҳнатини енгиллаштириш, ўқувчи — талабаларни билим даражасини ошириш, ўқув жараёнида компьютер техникасидан фойдаланиш учун кенг йўл очиб беради.


Шуларни эътиборга олган ҳолда, умумтаълим мактабларининг физика, математика, информатика, иқтисодий билим асослари, география, она тили ва адабиёт, ўзбек тили фанларидан, олий таълимда барча фанлардан электрон қўлланмалар яратишга киришилди.

Бу жараёнда ўқитувчи, психолог, таҳлил натижаларини назорат қилиш бўйича мутахассис (тестолог), дизайнер ёки web – уста, кодловчи(дастурловчи) қатнашиши назарда тутилган.

Инглиз тилини ўргатувчи дастурнинг электрон қўлланмаси тузилиши қуйидаги бўлимлардан ташкил топган: бош саҳифа, мундарижа, топшириқлар, тест ва маълумотлар базаси.

Электрон кўлланманинг бош саҳифасининг кўриниши.

Мундарижа бўлимида ингилз тилини ўргатувчи дастурлаш тили бўйича мавзулар берилган. Бу мавзулар қуйидагилардан иборат:



Мундарижа менюсида берилган 9 та мавзуда яна ойналар очилади, Фойдаланувчи қизиқишини ошириш, зеркиб қолмаслиги керак бўлади. Шуларни инобатга олган ҳолда рангларнинг уйғунлиги кўзни чарчатмаслиги фойдаланувчи талабанинг рухийятига тасир қилмаслиги зарур. Менюдаги ҳар бир мавзу бир хил кўринишда яратилган бўлиб улар гипер матинлар билан боғланган.

Мисол учун:



“SONGS” мавзусида кўшиқлар ва кўшиқ матини мавжуд. Бунда фойдаланувчи кўшиқ эштиши ва матини кузатиб бориш орқали ўзини нутиқини шакиллантиради, сўзларнинг ёзилиш талафуз қилинишини ўрганади.

Топшириқлар

Бу бўлимда инглиз тилини ўрганишга ёрдам берадиган саволлар билан тўлдирилган. Саволлар олдинги мавзуларга алоқадаор бўлади. Саволлар администратор томонидан мавзулар бўйич керакли маълумотлар кўшиш орқали янгиланиб туради.

Тест

Менюнинг сўнги бўлимида жойлашган бўлиб унда фойдаланувчи ўзининг билимини текшириб кўриши мумкин бўлади .

Тест бўлими JavaScript дастурлаш тилида яратилган, тестни ечиш жараёнида ҳар бир тўғри ечилган саволга бир балл берилади ечиб бўлингандан сўнг “натижани кўриш” тугмаси босилади ва тўғри ечилган саволлар йиғиндиси кўрсатилади.

II.3 Фойдаланувчилар маълумотлар базасини яратиш.

Маълумотлар базасини бошқариш ёрдамида куйидаги ишларни бажариш мумкин:

- катта хажмга эга булган маълумотларни созлаш;
- маълумотларни биз хохлаган тартибдан жойлаштириш;
- маълумотларни биз хохлаган шартлар (критериялар) асосида саралаб олиш;
- маълумотларни киритишни осонлаштируви формалар тузиш;
- компакт курунишга эга булган хисоботлар яратиш ва бу хисоботларга текстлар, графиклар ва овозлар жойлаштириш.

Маълумотлар баъзаси бу - руйхат курунишида ташкил этилган маълумотлардир.

Электрон кўланманинг фойдаланувчилар учун рўйхатдан ўтиш бўлими мавжуд.



The screenshot shows a web application window with a title bar. The main content area has a red header with the text "ENGLISH FOR ALL" in blue, stylized letters. Below the header is a light blue rectangular area. On the left side of this area is an icon of a key. To the right of the icon are the labels "Login:" and "Parol:" followed by white input fields. Below the input fields is a small button labeled "OK". At the bottom of the light blue area is a yellow button with the text "Ro'yhatadan o'tish" in red.

Бу бўлимда фойдаланувчи рўйхатдан ўтиши билан унинг хақидаги барча маълумотлар PHP тили бир каторда MySQL дастуридан фойдаланилади ва базада фойдаланувчи тўғрисидаги барча маълумотлар сақланиб борилади.

Фойдаланувчи рўйхатдан ўтганидан кейин ўзининг шахсий кабинетига эга бўлади ва у ўзининг “LOGIN” ва ”POROL”га эга бўлади.

The image shows a web browser window with a registration form. The browser's address bar is empty, and the menu bar includes 'Вид', 'Избранное', 'Сервис', and 'Справка'. The form has a title 'Test yechish uchun ro'yxatdan o'tish!' in pink. It contains several text input fields for personal information: 'Ismingiz', 'Familiyangiz', 'Sharifingiz', 'Guruhingiz', 'Login', 'Parol', 'Takror parol', 'E-mail', 'Tug'ilgan kun', 'Tug'ilgan oy', and 'Tug'ilgan yil'. At the bottom of the form is a button labeled 'A'zo bo'lish'. The browser's status bar at the bottom shows the page title 'KOT', the address 'SAIT: ИСПР', the domain 'БДП', the language 'САМ', and the encoding 'АНГЛИЙСКИЙ'. The Windows taskbar at the bottom right shows the 'Мес' icon.

Вид Избранное Сервис Справка

Test yechish uchun ro'yxatdan o'tish!

Ismingiz

Familiyangiz

Sharifingiz

Guruhingiz

Login

Parol

Takror parol

E-mail


Tug'ilgan kun

Tug'ilgan oy


Tug'ilgan yil

Кот САИТ: ИСПР БДП САМ АНГЛИЙСКИЙ Мес

Агар икки марта бир хил маълумот киргизиб рўйхатдан ўтмоқчи бўлсангиз, сизга қуйидагича хабар келади :



“LOGIN” ва “POROL” ёрдамида шахсий кабинетга кирилади, кабинетда фойдаланувчи охириги марта қачон кабинетга киргани, охириги марта тест ечгани ва неча балл тўплагани тўғрисида маълумот берилади. Барча маълумотлар MySQL да яратилган базада сақланади.



Фойдаланучи томонидан киритилган порол хафсизликни таъминлаш мақсадида шифирланади ва барча киритилган маълумотлар базага ёзилади. Ёзилган порол шифирланиб базага ёзилади, фойдаланувчи ўзининг поролини ёзган пайтда порол яъна шифирланади ва рўйхатдан ўтган пайтдаги шифир билан солиштиради, шифирлар тўғри келган вақда киришга рухсат беради, акис холда хатолик кўрсатади.

III.Хулоса.

Битирув малакавий ишида Инглиз тилини ўргатувчи дастурнинг дастурий таъминотида 3 хил модуллари яратилди.

Яъни:

1. Инглиз тили ҳақидаги маърузалар матни;
2. Инглиз тилида дастурлашга доир топшириқлар;
3. Ўзлаштирилган билимни аниқловчи ва баҳоловчи тест дастури.

Яратилган электрон қўлланманинг биринчи модулда Инглиз тилига доир назарий маълумотлар берилган ва мавзулар мисоллар ёрдамида тушунтирилган.

Электрон қўлланманинг иккинчи модулда Инглиз тили бўйича саволлар, мавзулар бўйича топшириқлар берилган.

Электрон қўлланманинг учинчи модулда Инглиз тили бўйича тест топшириқлари берилган. Тест топшириқлари 4 та жавобли бўлиб, тўғри топилган жавоб 1 бал билан баҳоланади. Тест тизимининг дастури Javascript дастурлаш тилида яратилди. Чунки HTML ва Javascript биргаликда қўлланилади.

Инглиз тили электрон қўлланмасини яратишдан асосий мақсад талабаларни ўқиш жараёнини яхшилаш ва ўзлари мустақил равишда билимларини оширишдан иборат.

Электрон қўлланмада маъруза матни чиройли безатилган, сифатли ва ихчам кўринишда берилган. Бу талабани ўқишга қизиқишини орттиради. Бундан ташқари талаба компьютерда маърузани ўзига керак қисмини ўқиши мумкин. JavaScript дастурлаш тили электрон қўлланмасидан олий таълимда фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Лаура Томсин и Люк Веллинг «Разработка web– приложений на php и mysql», Москва, Санкт-Петербург, 2003г.
2. С.Симонович, Г.Евсеев, «Новейший самоучитель по работе в Интернете», инфорком –Пресс, Москва, 2000й
3. Энди Шафран «Создание Web страниц» Самоучитель , Питер, Москва 2000г
4. Т.А Павловская , Ю.А.Щупак – «С и С++ структурное программирования » Санкт-Петербург 2004 г.
5. Тойлоков Р, “Ахборот ва ахборот технологиялари ”, Т Ўзбекистон 1999г
6. Ғ.Е. Ёрматов. Хаёт фаолияти хавфсизлиги. Маърузалар матни. Тошкент, ТошДТУ 2003й.